

Даромадни оширишда “еттилик” фаол бўлмоғи лозим

2-с.

“Гулчилик ҳам касбми”, дегувчилар уялиб қолди...”

“Излаган имкон топади” дея бежизга айтилмаган. Ҳимоятхон Эралиева гулчиликка қўл уриб, кам бўлгани йўқ.



3-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

Mahalla

2024 ЙИЛ
7 НОЯБРЬ,
ПАЙШАНБА

№70
(2208)

WWW.UZMAHALLA.UZ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Замонавий фикрлаш ва иш юритиш — давр талаби!

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъуллари вилоятларда бўлиб, Президент топшириқлари ижроси, “маҳалла еттилиги” фаолияти билан танишяпти.

Уюшма раиси Қаҳрамон Қуронбоев Андижон шаҳридаги маҳалла раислари билан учрашди. Асосий масала “маҳалла еттилиги”нинг бугунги фаолияти ва маҳалла раисининг вазифалари ҳақида бўлди.

Айни пайтда “Рақамли маҳалла” платформаси фаолияти йўлга қўйилган. Маҳалла раислари планшетлар билан таъминланяпти. Бугун маҳалла раиси тизимнинг бу имкониятидан фойдалана олиши лозим. Бешта йўналиш, яъни бандлик, камбағалликка қарши кураш, аҳолини миграциядан қайтариш ва уларнинг банлигига кўмаклашиш, жиноятчилик, оилавий ажралишларнинг олдини олиш каби вазифалар маҳалла раисининг кунлик юмуши бўлиши лозимлиги таъкидланди.



Давоми 2-саҳифада.







“ОБОД ТУРМУШ” — УЮШМА КУБОГИНИНГ ИЛК ҒОЛИБИ!

АНДИЖОН ШАҲРИ 3-6 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ГАНДБОЛ БЎЙИЧА “ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИ КУБОГИ” МУСОБАҚАСИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛДИ

Бугун “Беш ташаббус олимпиадаси” кириб бормаган маҳалла қолмади. Ўтган қисқа фурсат ичида мазкур ташаббус маҳаллалардаги ёшларнинг иқтидорини юзага чиқарадиган, уларнинг зукколиги, тоқирлиги, билим ва спортдаги маҳоратини синовдан ўтказадиган ҳаракатга айланиб улгурди. Жорий йилдан эътиборан, “Беш ташаббус олимпиадаси” оиласига янги мусобақа киритилди. Бу — гандбол бўйича “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси кубоги”дир.

2024 йилнинг 22 август санасида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Спорт вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг ўзаро ҳамкорликда “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида уч босқичли “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси кубоги” учун гандбол спорт тури бўйича мусобақани ўтказиш тўғрисидаги қўшма қарори қабул қилинди. Мусобақани ўтказиш тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилиб, Ташкилий қўмита таркиби тасдиқланди.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

Замон шиддатини ёшлар ақлу заковати белгилайди

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида 40 минг 13 нафар маҳалла ёшлари оммавий спорт мусобақаларида ҳамда 32 минг 166 нафар йигит-қиз танловларда иштирок этиш учун онлайн рўйхатдан ўтди. Енгил атлетика, стол тенниси, воркаут, армрестлинг, шахмат-шашка, волейбол мусобақаларининг маҳалла босқичлари ташкил этилиб, уларда 10 минг 700 нафар ёшнинг иштироки таъминланди.

4-с.

Билими ортиб, даромади кўпайса, жиноятга ўрин қолмайди

“Йигирма йиллик тажрибамдан келиб чиқиб, айтишим мумкинки, маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантириш учун, аввало, халқ ичида кўпроқ юриб, улар билан мулоқотда бўлиш керак. Ташвишларига шерик бўлиб, энг яқин кўмакчисига айланиш зарур. Энг муҳими, ходим шу халқни севиши, унга меҳр қўйиши, аҳолининг дарду ташвишлари билан ёниб яшаши лозим”.

6-с.

Қалбдан ҳис этмасангиз, интилишлар натижасиз қолаверади

Ҳаётда шундай лаҳзалар бўладики, инсон кўз ўнгида дунё фақат қора рангдан иборат бўлиб қолади. Яшаш учун умид қидириб тополмайди. Қийинчилик ва тушкунликдан чиқиб кетиш имконсиздек туюлади. Бу кечинмаларни енгиб ўтиш осон эмас, албатта.

5-с.

Аёл — она, уй бекаси, ишбилармон тадбиркор

“Тадбиркорлар оиласига келин бўлганман. Қайнотам, қайнонам, турмуш ўртоғим ва бошқа оиламиз аъзолари хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб боришади. Мен ҳам ўзим қизиққан дизайнерлик йўналишида ишламоқчилигимни билдирганимда, улар мени қўллаб-қувватлади. Тикув цехи ташкил қилишда уч маротаба имтиёзли кредит олиб, ўз фаолиятимни кенгайтирдим”.

8-с.



ДИҚҚАТ!

ОБУНА — 2025

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий нашри — «Mahalla» газетаси ҳамда «маҳалла еттилиги» вакиллари учун ўзига хос қўлланмага айланиб улгурган «Mahalla ko‘zgusi» журналига 2025 йил учун обуна бўлинг!

“MAHALLA” ГАЗЕТАСИ НАШР КЎРСАТКИЧИ: 148

“MAHALLA KO‘ZGUSI” ЖУРНАЛИ НАШР КЎРСАТКИЧИ: 862

Мурожаат учун телефонлар: +998 71 233 39 89, +998 71 233 10 92

ШОШИЛИНГ!
Маҳаллани «Mahalla»сиз тасаввур этиш қийин...

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!
@mahalla_raislari
@mahalladosh_1
@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»ига ўтиш учун QR-кодни сканерланг!



Президент Шавкат Мирзиёев ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.



Шавкат Мирзиёев тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга оид ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ билан танишди.



Президентга ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ болаларни тарбиялаш, ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этишга оид таклифлар тақдимот қилинди.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

ЗАМОНАВИЙ ФИКРЛАШ ВА ИШ ЮРИТИШ — ДАВР ТАЛАБИ!



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Учрашув сўнгида маҳалла раисларининг иш самарадорлигини яхшилаш борасидаги таклифлар эшитилиб, уларнинг иш жараёнида учраётган муаммоларнинг ечими юзасидан масъулларга топшириқлар берилди.

Водий вилоятларида Республика ишчи гуруҳининг ўрганишлари давом этмоқда.

Қаҳрамон Қуронбоев раислигида Хатирчи тумани сектор раҳбарлари ва масъул идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида Президент ташрифи доирасида берилган топшириқлар ижросини самарали ташкил этиш юзасидан йиғилиш ўтказилди. “Маҳалла еттилиги” фаолияти, камбағал оилаларни камбағалликдан чиқариш, миграция ва “Яшил макон” лойиҳаси доирасида экиладиган дарахт ва кўчатлар учун унумдор ерларни танлаб олиш масалалари кўриб чиқилди. Мазкур ишлар юзасидан Маҳаллалар уюшмаси маблағ ажратиши, Хатирчи туманини ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Уюшма масъул ходимлари Нурота туманида ҳам Президент ташрифи давомида берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан кенгайтирилган йиғилиш ўтказди.

ДАРОМАДНИ ОШИРИШДА “ЕТТИЛИК” ФАОЛ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сирдарё вилояти бошқармаси ҳамда Ширин шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида “Маҳаллани халқ билан давлат ўртасидаги кўприк вазифасини ўтовчи мустақил ва халқчил тузилмага айлантиришда “маҳалла еттилиги” олдида турган долзарб вазифалар” мавзусида амалий семинар ташкил этилди.



Вилоят ҳокими Акмалжон Маҳмудалиев, Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси, туман ва шаҳар бўлими масъуллари, “маҳалла еттилиги” аъзолари иштирок этган семинардан кўзланган асосий мақсад — “еттилик” фаолиятини самарали ташкил этиш, унинг маҳалла ҳаётидаги ўрнини ошириш ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашиш, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифаларни белгилаб олишдан иборат.

Семинар доирасида дастлаб кенг жамоатчилик иштирокида 1 гектарга яқин майдонга 2 мингдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Шундан сўнг давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан, тажриба тариқасида ташкил қилинган “Нуробод маҳалла сервис компанияси” биноси қурилишига старт берилди. Унинг фаолияти тақдимот қилинди. Қайд этилишича, компания аҳолига 23 турдаги пулли хизматларни кўрсатади. 24 соатлик иш йўлга қўйилади. Ўнга яқин юк ташиш ва махсус транспортлар, таъмирлаш анжомлари эл хизматида бўлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллаларда биринчи галда эътибор қаратилиши керак бўлган асосий масала — аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини оширишдан иборат. Шу боис семинар ҳудудларда “Сайхунобод”, “Уйчи”, “Зарбдор”, “Ғиждивон” тажрибаларини оммалаштириш, кам даромадли хонадонларга 5 хил лойиҳа пакетларини тақдим қилиш, банклар фаолиятини жонлантириш каби мавзуларни қамради. Шунингдек, “маҳалла бюджети”ни шакллантириб, самарали бошқариш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш, фуқароларнинг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишини олдини олиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, “Соғлом оила — соғлом жамият” тамойилларини тарғиб қилиш, репродуктив саломатликни яхшилаш хусусида сўз борди.

Назарий машғулотлар ўз ўрнида амалиёт билан уйғун олиб борилди. Қатнашчилар “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурига мувофиқ олиб борилаётган ишларни “Нуробод” маҳалласидаги хонадонлар мисолида ўрганишди.

МУСОБАҚА

“Обод турмуш” — Уюшма кубогининг илк ғолиби!

Санжар ИСМАТОВ.







Мусобақа низомига асосан, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиганлар сонини ошириш, маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, спорт инфратузилмасини яхшилаш мақсадида ташкил этилган мазкур мусобақа анъанавий тарзда ҳар йили **тўртта босқич**да ташкил этилади. Жумладан:

1-босқич *– маҳаллада жамоа шакллантириш ва тайёргарлик кўриш ишларидан иборат бўлиб, 1-14 сентябрь;*

2-босқич *– 15-30 сентябрь кунлари: мусобақанинг туман (шаҳар) босқичи;*

3-босқич *– 10-18 октябрь кунлари: мусобақанинг ҳудудий босқичи;*

4-босқич *– 3-6 ноябрь кунлари: мусобақанинг Республика финал босқичи тарзида ўтказилади.*

Мусобақа талабига кўра, ҳар бир жамоа 7 нафар асосий ўйинчи ҳамда 3 нафардан захира ўйинчисидан таркиб топади. Ҳар бир учрашув икки бўлимдан иборат бўлиб, давомийлиги 1 соатни *(бир бўлим 30 минутдан давом этади, ўртада 15 минут танаффус берилади)* ташкил этади.

МАЪЛУМОТ УЧУН:
Гандбол (немисча “hand” - қўл, “ball” – тўп, яъни “қўл тўпи”) спорт турини 1898 йилда даниялик Хальгер Нильсон ихтиро қилган. 1946 йилда Халқаро гандбол федерациясига асос солинган, ҳозирда унга 106 та мамлакат аъзо. Бу ўйин 1972 йилдан эркаклар, 1976 йилдан аёллар ўртасида Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган. 1938 йилдан эркаклар ўртасида, 1956 йилдан аёллар ўртасида жаҳон биринчилиги ўтказилади.

Жорий йилнинг **10 сентябрь кунига қадар** мусобақада иштирок этиш учун республикамизнинг ҳар бир маҳалласида 17-30 ёшдаги аҳоли (эркаклар ўртасида) орасидан гандбол жамоалари шакллантирилди. **14 сентябрь кунига қадар** жамоалар **5tashabbuz.uz** платформасида рўйхатдан ўтказилди. Айтиш керакки, илк маротаба ташкил этилган бўлса-да, бу жараёнда **800 минг нафарга яқин ёш** мусобақада иштирок этиш истагини билдирди.

Сентябрь-октябрь ойларида мусобақанинг **туман (шаҳар)** ва **вилоят босқичлари** ташкил этилди. Уларда маҳалла ёшлари ўзларининг тезкорлиги, аниқлиги, жамоавий бирдамлигини намойиш этишди. Ҳар бир беллашув қизиқарли ва шиддатли руҳда ўтказилди. Якунда туман (шаҳар) босқичи ғолиблари вилоят босқичида беллашди. Ҳудудий босқичларда ғалаба қозонган 14 та жамоа *(ҳар бир ҳудуддан биттадан)* мусобақанинг Республика финал босқичида қатнашиш учун Андижон шаҳрига етиб келишди.

МАЪЛУМОТ УЧУН:
Гандбол учун катталиги 40х20 метр ўлчамдаги майдон керак. Ўйин оғирлиги 325-475 грамм, айланаси 54-58 сантиметр бўлган чарм тўп билан ўйналади. Ўйин қоидасига кўра, тўпга оёқдан ташқари тананинг исталган қисми билан тегиниш мумкин. Ўйинчи тўп билан фақат 3 қадам қўйиши ва уни қўлида 3 секундгача тутиб туриши мумкин.

3 ноябрь. Андижон темирйўл вокзалида мусобақа қатнашчилари катта тантана билан кутиб олинди. Бобур юрти тупроғига қадам қўйган ёш гандбол усталарини мезбонлар нон ва ширинликлар билан қарши олишди. Шу куннинг ўзида Республика финал босқичи олдидан қуръа ташлаш маросими ўтказилди. Унга кўра, 14 жамоа тўртта гуруҳга бўлинди:

“А” гуруҳи *— Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сирдарё вилоятлари;*

“Б” гуруҳи *— Андижон, Наманган, Самарқанд вилоятлари;*

“С” гуруҳи *— Қашқадарё, Жиззах, Наманган вилоятлари;*

“Д” гуруҳи *— Бухоро, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари.*

Қуръа ташлаш маросимида масъуллар иштирокчи жамоаларга мусобақа тартиб-қоидалари бўйича маълумотлар бериб ўтишди. Ўйинлар Андижон универсал спорт мажмуаси ҳамда Андижон олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази майдонларида ўтказилиши белгиланди.

4 ноябрь. Эрта тонгдан Республика финал босқичи иштирокчилари дастлаб Андижон шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, шоҳ ва шоир ҳайкали пойига гул қўйишди.

Биринчи кун саралаш ўйинлари ҳудудлардан келган жамоалар ўртасида қизғин ва шиддатли баҳсларга бой бўлди. Жамоалар финал босқичига жиддий тайёргарлик кўргани муросасиз беллашувларда ўз аксини топди. Ўзаро ўйинларда ўта йирик ҳисоблар қайд этилмаганининг ўзиёқ ҳар бир жамоа чемпионлик учун Андижонга келганини кўрсатди.

— Мазкур мусобақа илк маротаба ташкил этилган бўлса-да, унда қарийб 800 минг нафар ёш қатнашди, ***— дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бўлим бошлиғи Жамшид Чориев.*** *— Республика финал босқичида улар орасидан сараланган энг яхши 14 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди. Очиғи, жамоаларнинг турнирга профессионал тарзда ёндашгани, машғулотлардан тортиб, ҳатто энг кичик жиҳатгача эътибор қаратгани бизни қувонтирди, албатта. Келгуси йилларда ёшлар қамровини янада кенгайтирамиз.*

5 ноябрь. Шу куни гуруҳларда 2-3 тур ўйинлари ўтказилди, ғолиблар сараланиб, плей-офф босқичига чиққан жамоалар номи аниқ бўлди. Шунингдек, чорак финал ўйинлари ўтказилиб, ярим финалчилар номи ойдинлашди. Унга кўра, дастлаб Сурхондарёнинг “Жайхун” ҳамда Андижоннинг “Обод турмуш” жамоалари ўзаро беллашди. Муросасиз кечган баҳсда мезбонлар кичик фарқ билан ғалаба қозонди. Иккинчи ярим финалда Жиззахнинг “Совунгарлик” ва Тошкентнинг “Дилбулоқ” маҳаллалари куч синашди. Тезкорлик ва аниқлик беллашувида жиззахлик ёшлар 20:15 ҳисобида тенгдошларидан устун келди.

6 ноябрь. Ҳал қилувчи кун. Дастлаб 3-ўрин учун Тошкент шаҳри ва Сурхондарё вилояти вакиллари ўзаро майдонга чиқди. Гарчи беллашув тенг курашлар остида кечган бўлса-да, якунда пойтахтликлар маҳорати устун келди. 31:22 ҳисобида ғалаба қозонган “Дилбулоқ” жамоаси бронза медалига сазовор бўлди.

Мусобақанинг ҳал қилувчи беллашуви — кубок ва олтин медаль учун Андижон ҳамда Жиззах вилоятлари жамоалари майдонда саф тортишди. Финал йўлида бир-биридан кучли ва мураккаб рақиблар билан рўбарў бўлган жамоалар баҳси кутилганидек шиддатли кечди. Якунда 32:28 ҳисобида ғалаба қозонган андижонлик ёшлар “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси кубоги”нинг дастлабки ғолибига айланди.

— Мусобақага жиддий тайёргарлик кўргандик, ***— дейди турнир ғолиби, Андижон вилоятининг “Обод турмуш” жамоаси мураббийи Омонулла Мадаминов.*** *— Айниқса, финал беллашувлари вилоятимизда ўтиши, мухлислар кўз ўнгида ўйнаш катта масъулият юклади. Шундай бўлса-да, айнан томошабинлар қўллаб-қувватлаши, шунингдек, шогирдларимизнинг кўрсатмаларни тўғри ва аниқ бажаргани, жамоавий бирдамлик эвазига ғалаба қозондик. Интилишимиз самара бергани, андижонликларга хурсандчилик улашганимиздан бахтиёрмиз.*

— Гарчи финал баҳсида ютқазган бўлсак-да, йигитларнинг ўйинидан кўнглим тўлди, ***— дейди Жиззах вилоятининг “Совунгарлик” жамоаси мураббийи Олим Ҳазратқулов.*** *— Аслида, Республика финал босқичига етиб келишнинг ўзи катта натижа. Қуйи босқичларда кўплаб жиддий рақибларни мағлуб этдик. Финал босқичида ҳам бир-биридан кучли жамоаларга қарши майдонга тушдик. Ўзаро бир-бирини тушунгани, аҳиллиги, ғалаба учун интилгани боис йигитлар финалгача келишди. Энди мусобақанинг келгуси йилги мавсумига ҳам руҳий, ҳам жисмоний тайёргарликни бугунданоқ бошлаймиз, мақсадимиз — кубокни ўзимизники қилиш.*

Тантанали тақдирлаш маросимида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев Андижон вилоятининг “Обод турмуш” маҳалласи жамоасига кубок ва олтин медалларни топширди. Шунингдек, уларнинг маҳалласида **“Универсал”** спорт майдончаси қуриб берилади. Худди шундай, 2-ўринни эгаллаган Жиззах вилоятининг “Совунгарлик” маҳалласи жамоасига кумуш медаллар, эсдалик совғалари тақдим этилди. Маҳалла ҳудудида **“Стрит-воркоут”** майдончаси бунёд этилади. 3-ўринни эгаллаган Тошкент шаҳридаги “Дилбулоқ” маҳалласи жамоасига бронза медаллар, эсдалик совғалари берилди. Маҳаллада **“Воркоут”** спорт майдончаси қурилиши таъминланади.





Умуман олганда, давлатимиз раҳбари бундан икки йил муқаддам имзолаган “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида юртимизда жорий этилган “Беш ташаббус олимпиадаси” ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари билан қамраб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир пайтлари қизғин беллашувларда қатнашиш орзусида олти-етти ойлаб мусобақа юзини кўрмаган чекка-чеккадаги маҳалла ва қишлоқ ёшларининг нияти амалга ошди. Улар мазкур ташаббус туфайли ҳар ой мусобақаларда қатнашадиган, ўқув-машғулот йиғинларида тизимли шуғулланадиган бўлди. Мусобақа кўникмаси ошди. Маҳоратли спортчи-ёшларни танлаш, саралаш майдони кенгайди.

Эътиборли жиҳати, ушбу тизим жойларда спорт ҳаракати жонланишига катта туртки бериши билан бирга, маҳаллаларда турли мусобақалар, тадбирлар, учрашувлар сони ва салмоғи ошишига олиб келди. Республика босқичида муваффақиятга эришган жамоанинг маҳалласига спорт майдончалари, мажмуалари барпо этилаётгани, турли спорт жиҳозлари билан таъминланаётгани аҳолининг оммавий спорт билан машғул бўлиш имконияти янада кенгайишига сабаб бўлди.

Юқорида қайд этганимиз — гандбол бўйича “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси кубоги” баҳслари ҳам олис маҳаллаларда янги истеъдодларни кашф этди, кўплаб ёшларга ўз маҳоратини намойиш этиш имкониятини яратди. Энг муҳими, мазкур мусобақа Ўзбекистон спортининг янги бир шиддатли дарёсига айландики, унинг ўзанлари мустаҳкам бўлиши, доимо мавжланиб туриши оммавий спорт ҳаракатини янги босқичга олиб чиқиши билан қадрли. Бу ҳаракатларнинг пировард мақсади эса қишлоқларда, овулларда, маҳаллаларда Олимпиада ва жаҳон чемпионларининг янги авлодини камолотга етказишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.



ЯНГИ ҚОНУН билан спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш чоралари янада кучайтирилади.



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИга кўра, хорижга чиқиш биометрик паспортини почта хизмати орқали етказиб бериш хизмати йўлга қўйилади.



Президент имзолаган қонун билан МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТни амалга ошириш тартиби белгиланди.

ЖАРАЁН

“Яшил макон” доирасида 628 минг туп кўчат экилади

Бугунги кунда Гулистон туманида 26 та маҳалла фуқаролар йиғини бор. Ўтган қисқа давр мобайнида мазкур маҳаллаларда аҳолининг демографик ва ижтимоий ҳолати, таълим, ижтимоий соҳа объектларида 25 та йўналиш ва 401 та кўрсаткич асосида “маҳалла баланси” шакллантирилди.



Шуҳрат ХУШМУРАТОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Гулистон тумани бўлими бошлиғи.

Аҳоли муаммоларини бартараф этиш бўйича “Йўл хариталари”, маҳаллаларнинг “Омбор китоблари” ҳамда Бандлик дастурлари ишлаб чиқилди. Алоҳида юритилаётган платформалар ўрнига ягона “Рақамли маҳалла” электрон платформаси ишга туширилди. Маҳалла раислари мазкур ягона электрон платформадан доимий фойдаланишлари учун планшет билан таъминланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Сайхунобод тажрибаси”ни кенг оммалаштириш, аҳоли даромадларини ошириш мақсадида “Аҳиллик” маҳалласида амалий семинар ўтказилди. Семинарда томорқадан унумли фойдаланиб, даромад топаётган Абдуллаким Тўраев хонадони мисол қилиб кўрсатилди. Боиси хонадон соҳиблари имтиёзли кредит асосида 4 сотихга иссиқхона қуриб, бир йилда 2-3 маротаба ҳосил олмоқда. Олган ҳосилидан йилига 60-70 миллион сўм даромад олиб, рўзғорига барака киритаётган оилалардан биридир.

Тўраевлар хонадонида бўлиб ўтган амалий семинарда томорқа маданиятини шакллантириш, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш, қуёнчилик, паррандачилик, қорамол ва қўйчиликни ривожлантириш ҳамда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

“Маҳалла бюджети”нинг ташкил этилиши ҳар бир маҳаллага ўзининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш имконини беряпти. Натижада аҳолининг турмуш фаровонлиги яхшиланмоқда. Бугунги кунга қадар Гулистон туманида фуқароларнинг мол-мулк ва ер солиғидан шакллантирилаётган “маҳалла бюджети” ҳисобидан “Мустақиллик”, “Чортоқ”, “Оқ олтин” маҳаллаларининг тупроқ кўчаларига шағал тош тўкилиб, таъмирланди. Шунингдек, 9 та маҳалла биноси куз-қиш мавсуми учун газлаштирилди. Маҳаллаларда хавфсизлик таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида “Мевазор” маҳалласи кўчаларига видеокузатув камералари ўрнатилди.



Бундай ишлар бошқа маҳаллаларда ҳам давом эттирилмоқда. Хусусан, “оғир” ҳудуд сифатида танлаб олинган “Мустақиллик” маҳалласи Боғ кўчасида инфратузилмаларни яхшилаш, аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Кўчанинг 1 километр қисми шағаллаштирилиб, махсус техникалар ёрдамида текисланди.

Гулистон туманида ҳар йили “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида турли мевали ва манзарали кўчатлар экилади. Бу йилги кузги мавсум олдидан маҳалла ҳудудларида экиладиган кўчатларнинг сифатли экилишини таъминлаш мақсадида “Сойибобод” маҳалласида соҳа мутахассислари, “маҳалла еттилиги” ва кенг жамоатчилик иштирокида амалий семинар ташкил этилди. Унда тажрибали агроном Ҳакимжон ота Исмоилов кузги кўчат экиш ва уларнинг қандай парваришлаш сир-синоатлари ҳақида ўз тажрибаларини ўртоқлашди. Намуна сифатида бўш турган томорқада амалда кўрсатиб берди.

Тадбир иштирокчилари тикувчилик ва хонадонида гулчилик билан шуғулланиб келаётган Жамила Анорқулова томорқасидаги манзарали гулларни экиш ва уларни етиштиришни ўрганиб, ўзларига катта тажриба олишди.

Бу йилги кузги мавсумда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Гулистон туманида 628 минг туп мевали ва манзарали кўчатлар экилиши режалаштирилган. Ўйлайманки, бу каби хайрли ишлар “маҳалла еттилиги”, кенг жамоатчилик ва фаоллар иштирокида ўз вақтида, сифатли амалга оширилади.

ДАРОМАД МАНБАИ

КАРАМ ЭКИБ, ГЕКТАРИГА 150 МИЛЛИОН СЎМДАН ДАРОМАД ОЛИНГ

Жойларда “Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида юқори даромадли ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинларини экишда маҳаллалар тижорат банкларига бириктириб берилган.



Гулруҳ НАЗИРОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қашқадарё вилояти бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.

Бу жараёнда маҳсулот етиштириш учун ер майдонлари 10 гектардан кам бўлмаган, сувли ва аҳоли яшаш майдонларига яқин бўлган ҳудудлардан танлаб олиниб, “Намунали лойиҳа” ташкил қилиш белгиланган.

Айни ишлар доирасида Қарши туманидаги “Тараққиёт” маҳалласи ҳудудида 10 гектар ер майдони танлаб олинди. Бу ерга юқори даромадли брокколи карам экинлари экилди. Брокколи карам етиштириш бўйича тажрибали уста-деҳқонлар бошқа вилоятлардан шартнома асосида таклиф этилди. Улар кўчат етиштиришдан бошлаб, ҳосилни йиғиштириш ва экспортга тайёрлашгача бўлган жараёнларни ижарачиларга ўргатди.

33 нафар ишсиз фуқарога 30 сотихдан ер майдони аукцион орқали ижарага берилди. Эрта баҳорда ажратилган ерга эртачи тарвуз экилиб, мўл ҳосил йиғиштириб олинган. Иккинчи экин сифатида брокколи карами етиштирилмоқда.

— Ишсиз бўлганим боис илгари хорижда ишлаб келишга мажбур бўлардим, ***— дейди ижарачи Тоҳир Панжиев.*** *— Мана, Юртбошимизнинг ташаббуси билан кўпчилик қатори менга ҳам 33 сотих ер ажратилди. Биринчи экинга тарвуз экиб, мўл ҳосил олдик. Иккинчи экинга брокколи карами экканмиз. Ҳадемай, бу ҳосилни ҳам йиғиб оламиз. Маҳсулотларимизни сотишда муаммо йўқ. Насиб этса, даромад ҳам шунга яраша бўлади.*



Албатта, ҳосил тайёр бўлгач, уни сотиш ҳам муҳим. Шу боис жойларда ажратилган ер майдонларида деҳқончилик қилаётганларга лидер тадбиркорлар бириктирилган. Улар деҳқонга уруғдан тортиб, то маҳсулотини сотишгача бўлган жараёнда ёрдамлашади. Ҳамкорликда ишлайди. Яъни маҳсулотни етиштириш деҳқондан, сотиб олиш тадбиркордан. Ушбу майдонда маҳсулот етиштириш ва сотиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида “Ниёзов Даврбек Раимназарович” фермер хўжалиги агрегатор сифатида бириктирилган.

Оддийгина ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, биргина брокколи карами экиб, 1 гектар майдондан 15 тонна ҳосил олиш мумкин ва ҳар бир килограмм ҳосил ўртача 10 минг сўмдан сотилади. Натижада 1 гектардан 150 миллион сўмгача даромад олинади. Шунда битта ижарачи 30 сотихдан 60 миллион сўмдан зиёд фойда олиши мумкин.

Ишсизлик ўрнини тадбиркорлик руҳи эгаллади

Комил Имомовнинг аввалдан тадбиркорлик қилишга иштиёқи баланд эди. У янги иш бошлаш истаги борлигини билдириб, бизга мурожаат қилди. Фуқарога муносиб шароит яратиб бериш мақсадида маҳалла ҳудудида жойлашган бўш бино тошиб берилди.



Ибодулложон НОРОВ,
Учтепа туманидаги “Ватанпарвар” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Шундан сўнг тикувчилик йўналишида фаолиятини йўлга қўйиши учун 33 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. У ўз оиласининг 4 нафар аъзоси ҳамда 2 нафар маҳалладаги ишсиз аёлнинг бандлигини таъминлаган ҳолда, ишлаб чиқаришга киришди. Ҳозирда тадбиркор фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида қўшимча равишда кредит олишга ариза топширган.

Маҳаллада ҳоким ёрдамчиси сифатида фаолият бошлаганимда, ишсизлар 127 нафардан иборат эди. Атиги 38 та тадбиркорлик субъекти мавжуд бўлган. Ўтган даврда 20 нафар фуқарога кредит, 11 нафарига субсидия ажратилди. 254 нафар фуқаро лаёқати ва хоҳишига қараб турли соҳаларда меҳнат қилишга жалб этилди. 290 нафар шахс ўзини ўзи банд қилди, 76 нафари касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Аҳолига тадбиркорликни бошлаш учун молиявий ва бошқа йўналишларда ёрдам кўрсатилди.

Натижада бугунги кунга келиб, маҳаллада ишсизлар сони 22 нафарни ташкил этмоқда. Сурункали касаллиги ва ногиронлиги сабаб камбағалликка тушиб қолган оилалар 17 та қолди, холос. Ўсиш ва ривожланишда давом этаётган тадбиркорлар сони 131 нафарга етди.

Жорий йил якунига қадар маҳаллада жойлашган “Ватан” кинотеатри биносини қайта таъмирдан чиқарган ҳолда тўлиқ ишга тушириш учун керакли ишлар ташкил этилмоқда. Бу ерда заргарлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. Шу орқали 60 та янги иш ўринлари яратилиши ва давлат бюджетига ўртача 1 млрд. сўм фойда олиб келиши кўзда тутилмоқда.

Сўнгги йилларда аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳудудларда «маҳаллабай» ишлаш тизими жорий этилди. Шунингдек, ушбу жараён орқали аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш тизими яратилди.

Маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш, кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш микролойиҳаларни амалга оширишда ташаббускорларга кўмаклашиш ва шу орқали иқтисодий ўсиши таъминланяпти.

Ҳудудимизда юқорида таъкидлаб ўтилган барча йўналишлар бўйича янги лойиҳа ва режалар асосида ишлар олиб борилмоқда. Натижада аҳолининг даромади ошиб, яшаш шароити тобора яхшиланяпти.



ИМКОНИЯТ

“Гулчилик ҳам касбми”, дегувчилар уялиб қолди...”

Бир парча ерга гул экиб, ундан яхшигина даромад қилса бўлади. Оқолтинлик тадбиркор Ҳимоятхон Эралиева бунинг уддасидан чиқди. Бу жараёнда яқинлари ва фарзандларининг ёрдами катта бўлди.

Дилором ҚАЮМОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сирдарё вилояти бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.

Ҳимоятхон опа туманнинг Фарғона шаҳарчасига киравериштаги 15 сотих бўш турган ерга Наманган шаҳридан 12 минг дона хризантема, яъни халқ тили билан айтганда, “глобус” гулини келтириб экканди. Гулнинг харидоргирлигини айтмайсизми, бир донасини гул шайдолари 20-25 минг сўмдан олиб кетяпти.

— Тошкентга ўтганда ва қайтганда йўл бўйида экилган, хаёлингни олар даражада очилган, бир-биридан чиройли ва анвойи гулларни кўриб, “мен ҳам гулчиликни йўлга қўйсам бўларкан” деган фикр хаёлимдан ўтганди, ***— дейди Ҳимоятхон Эралиева.*** *— Шундан кейин ундан-бундан сўраб, гул етиштириш сирларини, интернетда берилган маълумотлардан ўргандим. Озгина йиғиб қўйган пулим бор эди. Шунга хризантема гул кўчатларини сотиб олдим. Ана шунда “Гулчилик ҳам касбми, ундан кўра бошқа фаолият тури билан шуғуллансангиз бўлмайдими”, деганлар кўп бўлди. Аммо мақсадимдан қайтмадим. Кўриб турганингиздек, гул экиб, кам бўлмадим.*

Ҳимоятхон опа эккан нафис ва чиройли бўлиб очилган хризантема майдончаси гулчилик билан шуғулланиш истагида бўлган оқолтинлик гулсеварлар учун синов-тажриба участкаси вазифасини ўтаяпти. Шу бугунга қадар оқолтинликлар “Сайхунобод тажрибаси”ни ўрганиб, ҳовлисидаги бўш турган ер майдонларига тўқсонбости экинлари қаторига Ҳимоятхон опа маслаҳати асосида хризантема ва атиргул кўчатларини экишяпти.

— Ишсиз ва даромадсиз хотин-қизлар учун Ҳимоятхон бошлаб берган гулчилик йўналиши янгилик бўлди, ***— дейди Мастура Холматова.*** *— Сўраб-суриштирсак, нафақат хризантема, балки атиргулларнинг ҳам харидори кўп экан. Фарзандларим билан келишиб, ҳовлимизда бўш турган 8 сотих ер майдонига атиргулнинг бозорбоп навини келтириб экмоқчимиз. Харажати унча катта бўлмаса-да, гул кўчатини сотиб олишимиз учун маблағ кетади. Бунинг учун “маҳалла еттилиги” кўмагида тижорат банкидан кредит олиб, гулчиликни йўлга қўйишни режалаштирмоқдамиз.*



“Излаган имкон топади” дея бежизга айтилмаган. Ҳимоятхон Эралиева буни қалбдан тушуниб, гулчиликка қўл уриб, кам бўлгани йўқ. 15 сотих ерга экилган ва кўпайтирилган хризантема гуллари оиласига каттагина даромад келтиряпти. Келгусида у 15 сотих эмас, 1 гектар ерга хризантема ва бошқа гул кўчатларини экиб, Оқолтинда гулчилик ўқув марказига асос солмоқчи. Бунинг учун унда етарлича билим, тажриба бор.



Халқ табобати йўналишида рухсат этилмаган усулларда даволаш хизматларини реклама қилиш тақиқланди.



АЛИШЕР САФАРОВга Беларусь Республикаси Витебск давлат ветеринария медицинаси академиясининг “Фахрий профессори” унвони берилди.



АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ: қўпол қонун бузилишига йўл қўйган 2 минг 686 нафар шахс интизомий жазо олди.

ТАҲЛИЛ

Замон шиддатини ёшлар ақлу заковати белгилайди



Туманда жами ёшлар сони 60 минг 255 нафарни ташкил этади. Улар орасида “оғир” тоифадаги ёшлар, пробация назоратидагилар, профилактик ҳисобда турувчилар, мунтазам дарс қолдирадиганлар, нотинч оила фарзандлари, миграциядан қайтиб келганлар, оилавий ажралиш ёқасида турганлар, безорилик қилишга мойиллиги бор ёшлар алоҳида гуруҳларга ажратилган.



Ҳамид ҲУСАНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Шўрчи тумани бўлими бошлиғи.

Шундай тоифадаги 718 нафар ёшнинг муаммолари атрофлича ўрганилиб, 304 та масала ижобий ҳал этилди. Ишсиз ёшларнинг 9 нафари иш ўринларига жойлаштирилди, 2 нафар ўсмирга тиббий хизмат кўрсатилди. 4 нафарига тўлов шартномаси қоплаб берилди, қизиқишига биноан, 1 нафари касб-ҳунар ва келажак касбларига ўқитилди, деҳқончилик билан шуғулланмоқчи бўлганларга ер майдони ажратилди.

Хатлов асосида туманда 674 нафар йигит-қизнинг ишсиз эканлиги аниқланди. Улар билан тизимли ишлар амалга оширилиши натижасида 428 нафарининг бандлиги таъминланди. Тадбиркорликни ривожлантириши учун 78 нафар йигит-қизга субсидия олишида кўмаклашилди. 91 нафарига деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланиши учун кредит олиб берилди. Яна 91 нафари касб-ҳунарга ўқитилиб, доимий иш билан таъминланди.

Маълумотларга кўра, туманда хорижда мигрантлар сони 2 минг 835 нафарни ташкил этади. Улар билан манзилли ишлаш асносида чет элдан Ватанга қайтарилганларнинг 15 нафари доимий ишга жойлаштирилди. Сектор раҳбарларининг онлайн учрашувлари натижасида яна 21 нафар ёш Ватанга қайтди. Улар билан бўлган суҳбатда ёшларга 162 та иш ўринлари таклиф этилди. Бундан ташқари, масъуллар миграциядаги ҳар бир ёшнинг ота-оналари билан учрашувлар ўтказиб, хорижда қайтган ёки келаётган фарзандлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши таъкидланди.

Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар бўйича йиллар кесимида таҳлил қилинганда, бу йил 26 та жиноят содир этилгани маълум бўлди. Бу кўрсаткич, афсуски, ўтган йилга нисбатан 3 тага ошган. Шу боис жорий йилда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда жиддий ёндашувлар ишлаб чиқилди. Хусусан, ҳуқуқбузарлик қилишга мойил 87 нафар ёш билан профилактик ва психологик суҳбатлар ўтказилди. 190 нафарининг турли ватанпарварлик руҳидаги тадбирларга иштироки таъминланди, 36 нафари ҳаётда ўз ўрнини топиши учун турли соҳаларга йўналтирилди.

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида 40 минг 13 нафар маҳалла ёшлари оммавий спорт мусобақаларида ҳамда 32 минг 166 нафар йигит-қиз танловларда иштирок этиш учун онлайн рўйхатдан ўтди. Енгил атлетика, стол тенниси, воркаут, армрестлинг, шахмат-шашка, волейбол мусобақаларининг маҳалла босқичлари ташкил этилиб, уларда 10 минг 700 нафар ёшнинг иштироки таъминланди. Футбол ва минифутбол мусобақаларининг туман босқичлари ўтказилиб, ғолиблар аниқланди ва тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Санъат ва маданият, IT, интеллектуал, касблар ва китобхонлик йўналишидаги “Ёшлар овози”, “Ёш китобхон оила”, “Ёш қурувчи”, “Ёш мусаввир”, “Мушоира”, “Заковат”, “Ёш китобхон”, новвойчилик, чет тиллари, киберспорт, дизайнерлик, электропайвандлаш каби танловлар 10-30, 16-30 ҳамда 18-30 ёшлилар ўртасида ташкил этилди. “Ёшлар овози” танловининг вилоят босқичида “Бахшичилик”, “Анъанавий ижро” ва “Опера” йўналишлари бўйича жами 4 та ўрин қайд этилди. Улардан “Бахшичилик” йўналишида республика босқичига йўл олган Фаррух Нуралиев ҳамда “Анъанавий ижро” йўналиши бўйича Феруз Норовлар фахрли 2-ўринларни қўлга киритди.

Шўрчи туманида паралимпия беллашувларида 269 нафар йигит-қиз рўйхатдан ўтди. Улар орасида вилоят босқичида шашка бўйича Озодбек Усанов, шахматда Дилшод Қурбонов фахрли биринчи ўринларни қўлга киритиб, Республика босқичига йўлланма олди. Худди шундай, футбол бўйича ДХХ кубоги учун қизлар ўртасида кечган баҳсда “Қорараиқ” маҳалласининг уддабурон қизлари вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаб, мусобақанинг Республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилиши ойдинлашди.

Умуман олганда, ёшларнинг ўқиш ва ишдан бўш пайтларини мазмунли ўтказишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва уларни турли фойдали касб-ҳунарларга ўргатиш — жамиятни юксалтиришнинг энг асосий манбаи ҳисобланади. Замон шиддат билан ривожланаётган даврда ёш авлоднинг дунёқарашини ўстириб, бўш вақтидан унумли фойдаланишга одатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ёшларнинг бор салоҳиятини намоён эта олиши ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун бор куч-ғайратимизни ишга солиб, юксак ғояларни рўёбга чиқаришда бардавом бўламиз.

МАНЗАРА

10 кунлик ҳарбий амалиёт қатъият ва шижоатни оширяпти

Ёшлар орасида кунини бесамар ўтказаётган ёки бор эътиборини пул топишга қаратиб, маънавий оламдан узоқлашаётган ўсмирларни кўп учратамиз. Йигит-қизлар билан ишлаш жараёнида ҳаётда ҳали ўз ўрнини топмаган, норози кайфиятдаги шундай ёшларни маънавий-маърифий тадбирларга иштирок этишга ундаймиз. Касб-ҳунарга ўқитамиз.



Ўткир ҲУСАНОВ,
Ғаллаорол туманидаги “Аламли” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Йигитларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун ўн кунга ҳудудга яқин ҳарбий қисмларга жўнатамиз. Бундан кўзланган мақсад — уларнинг ҳарбийлик касбига бўлган қизиқишини уйғотиш, онгига ватанпарварлик руҳини сингдиришдан иборат. Икки нафар худди шундай ёш рўйхатга олинган эди. Улардан бири уйидаги оилавий муаммолар ва етишмовчилик сабаб мардикорлик қиларди. Отаси ва онаси 2-гуруҳ ногирони. Оилада энг катта фарзанд бўлгани боис рўзғор ташвиши унинг зиммасида қолган. Кўча-кўйда ўртоқлари билан кўп муштлашарди. Устидан бир неча бор шикоят тушгач, профилактика инспектори билан бирга унинг муаммоларига ечим топишга қарор қилдик. У билан дўстона суҳбатлашиб, ҳарбий қисм бўлинмасига 10 кунга жўнатдик. Шу қисқа муддат ичида хулқ-атворидаги яхши ўзгаришларни кўриб, тўғри йўл тутганимизга амин бўлдим. Синов муддатидан қайтгач, уни бир йиллик ҳарбий хизматга юбордик. Ҳозир мақсадини сўрасам, ҳарбий соҳада ўқиб, шу йўлда ўзининг келажагини қурмоқчи эканини билдирди.

Яна бир шундай тушкун кайфиятдаги йигитни автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасида устага шогирд қилиб ёлладим. Бир неча ойдан буён ушбу ҳунарни ўрганиб келмоқда. Келажакда мустақил равишда машина таъмирлаш устахонасини очишни мақсад қилган.

Жорий йилда 5 нафар миграциядан қайтган ёш рўйхатга олинди. Уларга тадбиркорлик қилиши учун барча керакли ёрдамни кўрсатяпмиз. Мисол учун, яқинда уйида эшик-ром ишлаб чиқариши учун бир нафар маҳалладошимизга 33 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб бердик. У хорижда ишлаб юрган пайтида бу ҳунарнинг сир-синоатини яхши ўрганган экан. Ҳозирда уйида эшик-ром ишлаб чиқаради. Фаолиятини кенгайтириш учун жой қидиряпмиз. Ундан яхши даромад қолишини ҳисоблаб, ёнида ишчиларни кўпайтирмоқчимиз. Бу билан бўш юрган ёшларни иш билан таъминлашни режа қилдик.



Ишсиз ёшлар, олий таълим, профессионал таълим ва мактаб битирувчиларининг қизиқиш ва истакларидан келиб чиқиб, индивидуал дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра, йигит-қизлар доимий иш ўринларига, хусусий секторларга жалб қилиниб, тадбиркорликка қизиқиш билдирганларига имтиёзли кредитлар, субсидиялар ажратилди. Айримлари касб-ҳунарга йўналтирилди. Мисол учун, Наргиза Одилова уйида мактаб битирувчиларига ҳам тикувчилик маҳоратини ўргатади, ҳам тиккан маҳсулоти учун маош беради. Аёллар ва болалар кийимини улгуржи нархда туман марказидаги дўконларга сотади. Ҳозирда онлайн савдо-сотиқни ва етказиб бериш хизматини йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

Ёшларимиз “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг ҳар бир спорт турида фаол қатнашяпти. Ушбу лойиҳа ташкил этилгандан буён ёшларнинг спортга қизиқиши ортган. Бунинг самараси ўлароқ, жамоавий мини футболда ёшлар туман бўйича 3-ўринни эгаллади. Стол тенниси баҳсларида Нозима Ҳусанова туманда биринчи ўринни қўлга киритди.


Маҳалламизда китобга қизиқувчи ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Қизиқишларини инобатга олиб, сўровномалар ташкил этган ҳолда, маҳалла биносида кутубхона ташкил этдик. У ер ҳар куни китобсевар йигит-қизлар билан гавжум бўлади. Ёшлар ўзлари ўқиган асарлар устида суҳбат қуриб, фикр алмашади.

Биламизки, бутун дунёда замонавий касбларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Шунингдек, IT, 3D дизайн, SMM, мобилография каби йўналишлар касблар ичида энг даромадлиси экани сир эмас. Таклифим шундан иборатки, мактабда ўқувчи-ёшларнинг замонавий касбларга қизиқишини орттириб, юқоридаги йўналишларни фан сифатида ўқув режасига киритишни истардим. Натижада ёшларнинг салоҳияти мактаб давриданоқ ортиб, замон билан ҳамнафасликда жамият ривожига ҳисса қўшган бўларди.

ЭСЛАБ ҚОЛИНГ!

ЎҚУВ МАРКАЗ ОЧИШГА 50 МИЛЛИОН СЎМ СУБСИДИЯ БЕРИЛАДИ

Қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган нодавлат таълим ташкилотлари бир марталик субсидия олиш учун онлайн ариза топшириши мумкин.



Сирожиддин ЙЎЛДОШЕВ,
Китоб тумани адлия бўлими Давлат хизматлари маркази катта мутахассиси.

Субсидия олиш учун талабгорлар календар йилнинг ҳар чорагида ойнинг 10-санасига қадар “my.gov.uz” порталидаги “Қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун нодавлат таълим ташкилотларига субсидия ажратиш” хизматидан фойдаланади.

Бу турдаги субсидия ўқув марказнинг биноси ва ўқув хоналарини замонавий ахборот коммуникация технологиялари, мебель, асбоб-ускуналар, ўқитишнинг техник воситалари ва бошқа анжомлар билан жиҳозлаш ҳамда зарур дарсликлар, ўқув-методик адабиётлар ва бошқа кутубхона-ахборот ресурслари ҳамда воситалари билан таъминлаш, таълим жараёнини ташкил этишга жалб этиладиган педагог кадрлар меҳнатига ҳақ тўлаш учун ажратилиши кўзда тутилган.

Бу жараёнда қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

- *икки йилга мўлжалланган бизнес режа;*
- *маҳсулот етказиб бериш ёки ишларни, хизматларни бажариш тўғрисида тузилган хўжалик шартномалари;*
- *педагог кадрлар билан тузилган меҳнат шартномалари;*
- *педагог кадрларнинг хорижий тилни билиш даражасини тасдиқловчи сертификатлари;*
- *таълим жараёнида фойдаланилаётган бино ёки ўқув хоналарининг ижара шартномаси (кўчмас мулк ижараси асосида фаолият юритаётган нодавлат таълим ташкилотлари учун).*

Хизматдан фойдаланиш мутлақо бепул.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Одилжон ЮНУСОВ. Нарпай тумани:

— Мен давлат хизматчиси сифатида фаолият юритаман. Иш вақтида раҳбарим бир неча марта ҳамкасбларим олдида мени изза қилди ва ушбу ҳолатдан сўнг қон босимимда муаммо пайдо бўлди. Раҳбар устидан тегишли жойга арз қилдим, бироқ ҳамкасбларим буни табиий қабул қилишмоқда ва гувоҳлик беришмаяпти. Бу вазиятда нима қилишим мумкин?

ХОДИМ ҲАҚОРАТЛАНГАНДА ҲЕЧ КИМ ГУВОҲЛИК БЕРМАСА...



Эшназар ТЎХТАЕВ,
Нарпай тумани ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси:

— Конституциянинг 13-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддасига кўра, ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур кодекснинг 298-моддасига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича аниқланиши керак бўлган бирон-бир ҳолатдан воқиф бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс шу иш юзасидан гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин. Ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан гувоҳ кўрсатилган вақтда келиши, ҳаққоний кўрсатмалар бериши, шу иш хусусида ўзига маълум бўлган ҳамма нарсаларни айтиб бериши ва қўйилган саволларга жавоб бериши шарт.

Шунга кўра, иш берувчи сизни ҳақоратлаши, камситиши мумкин эмас. Агар шундай ҳолат юз берган бўлса, маъмурий жавобгарликка тортилади. Гувоҳлар бўлган воқеани айтиб бериши шарт.



Ўзбекистонни Европа давлатлари билан боғлайдиган ЯНГИ ЙЎЛ барпо этилди.



Ўзбекистон ташқи ишлар вазири БАХТИЁР САИДОВ Жанубий Корея ишбилармон доиралари вакиллари билан қатор учрашувлар ўтказди.



Наманганда ўтказилган III ХАЛҚАРО АСАЛ ФЕСТИВАЛИда 8 миллион АҚШ долларилик экспорт шартномалари имзоланди.

НИГОҲ

Шароити оғир оилалар ҳолати яхшиланмоқда

Давлатимиз раҳбари камбағалликка тушиш сабаблари ҳар хил экан, ечими ҳам алоҳида-алоҳида бўлиши кераклигини кўрсатиб ўтди. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида Ўзбекистоннинг навбатдаги янги ёндашувлари белгилаб берилди. Камбағалликни қисқартириш эса умуммиллий ҳаракатга айланди.



Шоира РАҲИМОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Янгибозор тумани бўлими бошлиғи.

Таъкидланишича, келгуси йилда республика миқёсида маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришга барча манбалардан 1,6 миллиард доллар ажратилади. Бу маблағлар ҳисобидан, аввало, энг оғир 300 та маҳаллада сув насослари ва қуёш панеллари ўрнатилади. 500 тасида электр, йўл, интернет ва бошқа инфратузилма масалалари ҳал этилади.

Бу ишларни амалга ошириш учун вазирлар, ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, бошқарма бошлиқларидан иборат 250 нафар раҳбарга энг оғир мингта маҳалла боғлаб берилди. Шунингдек, вилоятлардаги 2 минг ва туманлардаги 12 минг нафар раҳбарнинг ҳар бирига 5 тадан шароити энг оғир оила бириктирилди. Хусусан, Янгибозор туманидаги вилоят ва туман даражасидаги раҳбар ва уларнинг ўринбосарларига бириктирилган 390 та шароити оғир оила аъзоларининг жами сони 1 733 нафарни ташкил этади. Уларнинг 47 нафари ногиронлиги бўлган шахс, 77 нафари касаллиги мавжуд бўлган фуқаро, 289 нафари боқча, 382 нафари мактаб ёшидаги болалар. 387 нафари ишсиз ва 551 нафари бошқа тоифадаги фуқаролар ҳисобланади.

Туманда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида доимий фаолият юритувчи штаб ташкил



қилиниб, рўйхатга олинган оилаларнинг муаммоларини тизимли ҳал қилиш, амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағалликдан чиқариш бўйича манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 5 нафар ногиронлиги бўлган шахс касб-ҳунарга тайёрланди. 96 нафар фуқаро томорқадан самарали фойдаланишни йўлга қўйди, 2 нафарига иссиқхона қуриб берилди. 53 нафарининг доимий бандлиги таъминланди. 9 нафарига тадбиркорлик учун субсидия ажратилди, 5 нафари тадбиркорликка, 9 нафари чорвачиликка, 7 нафари паррандачиликка жалб қилинди. 28 нафарига ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

Шунингдек, шароити оғир оилаларнинг 52 нафар фарзанди тиббий кўрикдан ўтказилди. 43 нафарига даволаниш учун йўлланма, 28 нафарига дори-дармон берилиб, 12 нафарига реабилитация воситалари ажратиш белгиланди. 11 нафар фуқарога “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижтимоий ёрдам кўрсатилди. 2 нафар талабанинг шартнома пули тўлаб берилди.

Бундан ташқари, ушбу оилалардаги электр, газ, ичимлик сув, интернет билан боғлиқ, яшаш шароитини яхшилаш *(том қисмини таъмирлаш, эшик ва деразаларни алмаштириш, ҳаммом, иситиш тизими)* ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча муаммолари ўрганилиб, ижобий ҳал этилмоқда.

Яқинда туман ҳокими Руслан Жуманиёзов ўзига бириктирилган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни камбағалликдан чиқариш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида “Ширинлар” маҳалласидаги бир нечта аҳоли хонадонларида бўлди. Ушбу хонадонларга субсидия асосида тикувчилик машиналари, пайвандлаш ускуналари топширилди. Шунингдек, ишсиз оила вакилларининг бандлиги таъминланди.

Шу тариқа камбағалликни қисқартириш бўйича тумандаги ишлар ҳафталик муҳокама қилиниб, шароити оғир оилаларга бириктирилган раҳбарлар фаолиятига баҳо берилмоқда.



СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

ФУҚАРОЛАРДА КАДАСТРГА ОИД МУАММОЛАР БОР



Ўттиз йиллик тажрибамдан келиб чиқиб, айтишим мумкинки, солиқ инспекторларининг маҳалла даражасига туширилиши солиқ тўловчиларга ҳам, бизга ҳам катта имконият ва қулайлик яратди. Биринчи навбатда, одамларнинг вақти ва пулини сарфлаб, туман марказига келишларига чек қўйилди. Яширин иқтисодиёт занжирлари узилиб, солиқ тушумлари ортмоқда.

Алишер САЛИМОВ, Поп туманидаги “Бирлашган”, “Янгиер”, “Водий”, “Янгиобод” маҳаллалари солиқ инспектори.

Биз, солиқ инспекторлари нафақат солиқ тушумларини ошириш билан, балки “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида аҳоли ўртасида солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳамда солиқ ислоҳотларини тушунтиряпмиз. Натижада одамларнинг солиққа оид билимлари яхшиланиб, солиқ тўловларини ўз вақтида тўлашга ҳаракат қиляпти.

Тадбиркорликка қизиқувчи ёки тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаётган, ҳуқуқий ва иқтисодий қийинчиликларга дуч келаётган тадбиркорлик субъектлари билан манзилли ишлаяпмиз. Уларга онлайн назорат-касса машиналаридан мунтазам тарзда фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ходимлар сонини яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш, камчилик ва хатоликларга йўл қўймаслик кераклигини тушунтиряпмиз. Мавжуд муаммоли масалалар сектор раҳбари ва “маҳалла еттилиги” кўмагида ҳал этилмоқда.

“Бирлашган”, “Янги ер”, “Водий”, “Янгиобод” маҳаллалари қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бўлиб, асосан, пахта, ғалла, боғдорчилик, сабзавотчилик ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Аҳолининг бир қисми чорвачилик билан шуғулланади. Ҳозирда мазкур маҳаллаларда 28 та юридик шахс, 15 та фермер хўжалиги, 12 та нодавлат-нотижорат ташкилоти, 15 нафар якка тартибдаги тадбиркор, 826 та деҳқон хўжалиги фаолият юритмоқда. 2 076 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган.

Жорий йил давомида ўтказилган хатлов натижаларига кўра, 38 та ноқонуний фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектининг қонуний фаолият кўрсатишига кўмаклашдик. 16 та корхонада норасмий меҳнат қилаётган 16 нафар ишчининг расмий бандлиги таъминланди. Вақтинчалик молиявий қийинчиликка дуч келган 20 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти тикланди. Қўшимча 21 та объект аниқланиб, 3,5 млн. сўм солиқ ҳисобланди.

Бугун солиқ ислоҳотларининг амалий натижасини ҳар бир фуқаро, тадбиркор кундалик ҳаётида сезиши шарт. Шу боис солиқ тўловчиларга яратилаётган қулайликлар билан бирга, мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларнинг 10 фоизи “Маҳалла бюджети”да қолишини, ушбу маблағлар маҳаллада янги иш ўрни яратишга, аҳолининг оғирини енгил қиладиган лойиҳаларга йўналтирилиши ҳақида маълумот берилмоқда. Бугунги кунда тўртта маҳаллада 2 890 та мол-мулк ва ер солиғи тўловчиси бор. Уларнинг тураржой объектларидан январь-октябрь ойларида 1 млрд. 599,7 млн. сўм солиқ ундирилди. Йил охирига қадар бу кўрсаткич 1 млрд. 51,1 млн. сўмга етади ва “Маҳалла бюджети”га 205,1 млн. сўм қолади.

Саккиз ой кетма-кет 100 баллик режани бажариб, Солиқ қўмитаси раҳбариятининг ташаккурномаси ҳамда ойлик маошимга қўшимча пул мукофоти билан тақдирланиб келяпман.

“Маҳаллабай” ишлаш тизими асосида шунга амин бўляпманки, фуқаролар кадастр ҳужжатлари билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда. Шу боис бу тизимнинг соддалаштириш тартибларини ишлаб чиқиш лозим. Келгуси режаларимиздан бири — қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мазкур маҳаллаларда саноат, ишлаб чиқариш, маиший ва хизмат кўрсатиш ҳамда савдо йўналишларини кенгайтириш орқали “маҳалла бюджети” тушумларини кўпайтиришдир. Бу борада йиғинларда имконият ва шароитлар мавжуд.

ТАҲЛИЛ

Ҳайъат мажлиси: 10 ойлик натижалар таҳлили, устувор вазифалар

Жорий йилнинг 10 ойи, жумладан, октябрь якуни натижалари ва йилни муваффақиятли якунлашга қаратилган Солиқ қўмитасининг кенгайтирилган Ҳайъат йиғилиши ўтказилди. Унда Президент маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Тимур Ишметов, қўмита марказий аппарат тузилма раҳбарлари, ҳудудий давлат солиқ бошқарма ҳамда инспекция (видеоконференцалоқа орқали) бошлиқлари иштирок этди.

Дилдора ҲОШИМОВА, Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати раҳбари.

10 ойлик натижаларга кўра, умумий тушум 152,8 трлн. сўмни ташкил эттган. Бу ўтган йилга нисбатан 15 фоиз юқори кўрсаткич. Октябрь ойининг ўзида 17,8 трлн. сўм (17 фоиз ўсган) солиқ ундирилган.

“Маҳаллабай” ва “корхонабай” ишлаш тизимларида ҳар бир ходимнинг самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) жорий этилиши натижаси ва иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришлар замирида 10 ойлик ўсиш кўрсаткичлари ортган. Жумладан:

– мол-мулк солиғи – 39 фоиз;
– ер солиғи – 26,3 фоиз;
– акциз – 22,4 фоиз;
– сув солиғи – 28,4 фоиз;
– ҚҚС – 17,3 фоиз;
– ЖШОДС – 18,2 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, Андижон, Наманган, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ҳамда Йирик солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш ҳудудий солиқ инспекцияларида тўлиқ фойдаланилмаётган йўналишлар аниқ кўрсатиб берилди.

Асосий эътибор қуйидаги масалаларга қаратилди:

– тўлов интизомини мустаҳкамлаш орқали солиқ қарзини қисқартириш;

– ортиқча тўлов суммалари ҳосил қилинишига йўл қўймаслик;

– ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйган субъектларга кўмаклашиш;

– огоҳлантиришлардан кейин ҳам камчиликларни такрорлашда давом этаётган айрим хавфдаги солиқ тўловчиларга нисбатан манзилли солиқ назорати тадбирларини самарали ташкил этиш.

Зиммасига юклатилган хизмат вазифаларини етарли даражада бажармаган, иш фаолиятида хато ва камчиликларга йўл қўйган 31 нафар ходимга интизомий чоралар қўлланилди. Шунингдек, самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш (KPI) натижасига кўра, 14 нафар ходимнинг махсус унвони пасайтирилиб, 12 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Йиғилиш якунида соҳани рақамлаштиришни изчил давом



эттириш ҳамда “маҳаллабай” ва “корхонабай” ишлаш тизимлари орқали солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, шу билан бирга, ноябрь-декабрь ойлари учун солиқ тушумлари бўйича назорат кўрсаткичлари белгилаб берилди.



Қонунчиликка зид бўлган 8,1 миллиард сўмлик ДАВЛАТ ХАРИДИ ўтказилишининг олди олинди.

ДХХ: Чирчиқ шаҳри, Деҳқонобод тумани ҳокими ўринбосарлари ва қатор ҳоким ёрдамчиларининг ноқонуний ҳаракатларига чек қўйилди.



Ўзбекистонда 55 минг гектардан ортиқ майдонда ЗАРАРЛИ ЧИГИРТКА тухум қўйгани аниқланди.

ЖАРАЁН

“Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойилига ихтисослашган

Иштихон тумани қишлоқ хўжалиги, асосан, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган. Бугунги кунда туманда ўн минг гектардан ортиқ узумзор бор. Аҳолининг деярли уч минг гектар шахсий томорқаларида узум парваришланиб, уларда 11 минг 446 нафар аҳоли банд. Умумий ҳисобда, айнан токзорларда 23 минг 354 нафар аҳолининг доимий бандлиги таъминланмоқда.



Комил ЁВҚОЧДИЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Иштихон тумани бўлими бошлиғи.

Жорий йилнинг июль ойига қадар 757 гектар ер ўзлаштирилиб, фойдаланишга киритилди. Йил охирига қадар бу кўрсаткич 1 014 гектарга етказилади. Ўзлаштирилган ер майдонларига ток кўчатлари экилиб, парвариш қилинмоқда.

“Маҳаллабай” ишлаш тизими асосида туманнинг ўсиш нуқталари аниқланди. Бу жараёнда узумчилик соҳасини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Айни пайтда ҳудуддаги 21 та маҳаллада истиқомат қилаётган аҳоли томорқаларининг 67-90 фоизигача узумнинг майизбоп – “Қора кишмиш” навини экишади. Айниқса, узоқ йиллардан буён узумчилик билан шуғулланиб келаётган “Қайирма”, “Ўзбекқўрғон”, “Орлот”, “Соҳибкор”, “Барлос”, “Зарбанд”, “Бойтуби”, “Бешбола”, “Бўстон”, “Янгикент”, “Чақар”, “Чимқўрғон” маҳаллалари аҳолисининг 90 фоизи шу касб ортидан рўзғорини обод этмоқда. Агар барча томорқа ер майдонларида етиштирилаётган узумни ҳисоб-китоб қилсак, йилига қарийб 42 минг тоннани ташкил этади.



Туманда узумчилик билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотлари экинларини етиштириш яхши йўлга қўйилган. Жорий йил 46 минг 63 та томорқа ер эгаси 7 минг 580 гектар томорқа майдонларида озиқ-овқат маҳсулотларини экишган. Томорқачиларга зарур ёрдам кўрсатиш учун еттита “Томорқа хизмати” МЧЖ фаолият юритмоқда. Улар 12 мингта хонадонга шартнома асосида хизмат кўрсатмоқда.

Жорий йил тумандаги 44 та маҳалла “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида сабзавотчилик, полизчилик, мевачилик, боғдорчилик ва чорвачиликка ихтисослаштирилиши режалаштирилган. Ҳозирда 36 та маҳалланинг 7 таси сабзавотчиликка, 26 таси мевачилик ва боғдорчиликка, биттаси полизчиликка, иккитаси чорвачиликка ихтисослаштирилди. Шунингдек, пиёз, сабзи, ош лавлаги, карам, қўкат каби кўплаб тўқсонбости экинлар экилиб, парваришланмоқда.

Бундан ташқари, тумандаги пахтағалла майдонлардан қисқартирилган ҳамда сувли майдонларнинг 1 759 гектари фуқароларга онлайн аукцион савдолари орқали 30-40 сотихдан ажратиб берилди.

Маҳаллаларда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари доирасида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Жумладан, “Қиёт” маҳалласида икки қаватли янги маҳалла маркази ҳамда маиший ва савдо дўконлари, аҳоли дам олиш масканлари, “Street workout” майдони қурилиб, фойдаланишга топширилди. 46-47-58-умумтаълим мактаблари, 21-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳамда оилавий шифокорлик пунктларида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, 5 та янги трансформатор пункти ҳамда 510 та яроқсиз ҳолатга келиб қолган симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди. Газ таъминоти яхшиланиб, 11 км. марказий кўча асфальтланиб, 31 км. ички кўчаларга қум-шағал аралашмаси ётқизилди. Бир километр пиёдалар йўлаги қурилди. Иккита кўприкда таъмирлаш ишлари олиб борилди.

“Миришкор” маҳалласида аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида бир дона сув минораси янгисига алмаштирилиб, 3 км. қўшимча сув тармоғи тортилди. 2 км. ички йўллар асфальт қилиниб, 6 км. тупроқ йўллар шағаллаштирилди. “Қорақўйли” маҳалласи Меҳнаткаш кўчасидаги ва “Барлос” маҳалласи Ҳасан-Ҳусан қишлоғидаги сув иншоотлари таъмирланди. Ушбу қурилиш ишлари натижасида 2 155 нафар аҳоли марказлашган ичимлик сув билан таъминланди. 480 та хонадонда ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Шу тариқа, туманнинг марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 58,3 фоизга етди.

“Маҳаллабай” ишлаш тизими бўйича ижтимоий дафтарларга киритилган фуқароларга кредит ва субсидиялар ажратилди. 62 та маҳаллада аҳолининг даромад олишига қаратилган 1 522 та микролойиҳа ташкил қилиниб, уларда 2 278 нафар иш ўрни яратилди. 4 451 нафар аҳоли касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди. Ер майдонлари ажратилиб, деҳқон хўжаликларини ташкил этиш орқали ижтимоий дафтарлардаги 3 823 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллалар маълум йўналишларга ихтисослаштирилиб, аҳоли даромади оширилмоқда. Бу жараёнда “еттилик” аъзолари фуқароларнинг энг яқин кўмакчига айланмоқда.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

БИЛИМИ ОРТИБ, ДАРОМАДИ КЎПАЙСА, ЖИНОЯТГА ЎРИН ҚОЛМАЙДИ

Икки йилдирки, “Яхтанлик” маҳалласи жиноятдан холи ҳудуд. Албатта, бу натижаларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Биринчи навбатда, Президентнинг оқилона сиёсати ва изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, маҳаллада жиноятчилик жиловланди. Биз, профилактика инспекторларининг бевосита жойларда самарали хизмат ўташимиз учун муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратилди.



Улуғбек БЕККУЛОВ,
Шароф Рашидов туманидаги “Яхтанлик” маҳалласи профилактика инспектори, подполковник.

Баъзиларнинг фикрича, жиноятчиликнинг асл илдизи кўп ҳолларда бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ишсиз аҳолини ишли қилишга ҳаракат қиляпмиз. Бугун “Яхтанлик”да бирор бекорчи одамни кўрмайсиз. Тўрт мингдан ортиқ аҳолининг 40 фоизи чорвачилик билан шуғулланади. Улар воҳаю водий бўйлаб мол бозорларида бўлиб, пойтахт аҳолисини гўшт билан таъминлаб келмоқда.

Маҳаллада 80 нафар қўли гул мебелчи уста-ҳунарманд бор. Харидорлари талайгина – Қорақалпоғистон Республикасидан тортиб, Андижон вилоятигача буюртмалар қабул қилиб, етказиб беришмоқда.

Йиғин туман марказидан 11 километр олисда бўлса-да, аҳолиси бозор-ўчар қилиш учун узоққа бормайди. 11 та кўчанинг аксариятида барча турдаги маҳсулотларга ихтисослашган каттаю кичик савдо дўконлари фаолият юритмоқда.

Фаолиятимиз давомида ёшлар масалаларига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Миллий гвардия ходими, маҳалла раиси ва ёшлар етакчиси билан биргаликда умумтаълим мактабларида бўлиб, ўқувчиларнинг таълим-тарбияси, дарсда мунтазам иштирокини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказиш билан шуғулланяпмиз. Дарсга мунтазам келмаётган ўқувчиларнинг ота-оналарига маъмурий жавобгарлик қўлланилгач, давоматлар яхшиланди.

Спортсевар ёшлар 21-умумтаълим мактабида фаолият кўрсатаётган бокс ва кураш тўгаракларида чиниқяпти. 6-мактабда ахборот технологиялари соҳасига қизиқувчи ўқувчилар учун компьютер тўгараги ташкил этилган. Бундан ташқари, футбол ишқибозлари учун замонавий спорт майдони ишлаб турибди. Ҳар ой маҳалла ёшлари ўртасида спорт мусобақалари, турли танлов ва маданий тадбирлар ташкиллаштирилмоқда.

Албатта, бу мисолларни бежизга айтмаяпман. Чунки аҳолининг доимий даромадли, ёшларнинг илмли бўлиши маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришнинг асосий омилидир.

Бироқ шу билан ҳаракатдан, изланишдан тўхтаганимиз йўқ. Ҳар пайшанба куни “маҳалла еттилиги” аъзолари хонадонма-хонадон кириб, аҳолининг мавжуд ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш чораларини кўряпмиз. Бу борада нотинч оилалар билан тизимли ишлаяпмиз. Шу вақтгача бешта оила бекасига ҳимоя ордери бериб, ўзаро келишмовчиликка барҳам берилди.

Йигирма йиллик тажрибамдан келиб чиқиб, айтишим мумкинки, маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантириш учун, аввало, халқ ичида кўпроқ юриб, улар билан мулоқотда бўлиш керак. Ташвишларига шерик бўлиб, энг яқин кўмакчисига айланиш зарур. Энг муҳими, ходим шу халқни севиши, унга меҳр қўйиши, аҳолининг дарду ташвишлари билан ёниб яшаши лозим. Шунда сиз аҳоли назарида жазоловчи давлат хизматчиси эмас, балки келгусида содир этилиши мумкин бўлган нохуш ҳодисаларни олдиндан кўра оладиган ва ҳуқуқбузарлик содир этишдан қайтарадиган етакчи сифатида намоён бўласиз.

СУРАГАН ЭДИНГИЗ...

ҚАНЧА МУДДАТДА СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ МУМКИН?

Акбар ТЎЛАГАНОВ.
Андижон вилояти.

– Мен билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчи ташаббуси билан бекор қилинди. Ишга тиклаш юзасидан даъво ариза билан қанча муддат ичида судга мурожаат қилишим мумкин?

Муқаддамхон АҲМАДАЛИЕВА,
Андижон вилояти судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси:

– Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 171-моддасига асосан, ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда, албатта, унга меҳнат шартномаси ҳамда буйруқ нусхаси берилиши шарт. Ушбу кодекснинг 560-моддасига кўра, ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходим ўзининг ҳуқуқини, яъни ишга тиклаш ҳақидаги даъволари билан уч ой муддат ичида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

СУД ҲУКМИ

“Қора иш”га қўл урганлар

Инсоният ўтган асрда катта ютуқларга эришди. Илм-фанда оламшумул кашфиётлар қилинди. Бироқ одамзод гиёҳвандлик деган балога йўлиқди. Ёшлар ана шу тубсиз жарлик қурбонига айланмоқда.

Маълумки, гиёҳвандлик моддаларини етиштириш, сотиш оғир жиноят ҳисобланади. Ҳар йили бу “заҳри қотил” туфайли қанчадан-қанча одам дунёдан кўз юммоқда, қанчаси ногирон бўлиб қолмоқда, яна қанчаси қамалиб кетмоқда.

Афсуски, бундан хулоса чиқармайдиганлар ҳамон учрамоқда. Судланганларнинг қарийб ҳаммаси гиёҳвандликнинг оғир жиноят эканини яхши билса-да, жирканч ишга қўл ураётгани ачинарлидир.

Шу йилнинг март ойи бошида У.С. кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадида бир гуруҳ шахслар билан жиноий тил бириктирган. У шеригидан 160 дона “Тропикамид” дори воситасини сотиш учун олган.



9 донасини таниши А.Ж.га пуллаган. Бундан ташқари, У.С. Сергели туманида жойлашган савдо мажмуалари олдида 14 дона “Тропикамид” дори воситасини 2 млн. 500 минг сўмга сотган. Шу билан у тўхтамади, аксинча, “бозори чаққон” бўлган кучли таъсир қилувчи дориларни сотишда давом этди. Аммо навбатдаги олди-сотди пайтида шериги билан ушланди.

Суд уларга жазо тайинлашда оилавий шароити, айбига тўлиқ иқрорлиги ва бошқа жиҳатларни эътиборга олди. Суднинг ҳукмига кўра, гиёҳвандлик воситалари билан ноқонуний савдо-сотиқ қилганларнинг ҳар бири 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

“Қора иш”га қўл урганлар жазосини олди. Аммо сўнгги йилларда шу хилдаги жиноятларнинг нисбатан ортгани кишини ташвишлантиради. Айни куч-қувватга тўлган, меҳнат қилиб чарчамайдиган даврида улар энди кўп нарсадан маҳрум.

Азимжон ҲАКИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани судининг судьяси.



Сув омборлари тўғонларининг силжиш динамикаси КОСМИК МОНИТОРИНГ қилинади.

KELAJAK LIDERLARI

КЕЛАЖАК ЛИДЕРЛАРИ: янги мавсумда 50 нафар йигит ва қиз малака оширади.



Ўзбекистонлик олимлар Фарғона водийси сув ҳавзаларидан фан учун янги бўлган ЯЛАНГБАЛИҚ турини кашф этишди.

ТАҲЛИЛ

Ибрат ва намунага арзигулик амаллар кўп

Камбағалликни қисқартириш дастурининг 5-босқичи бўйича рўйхатда турувчи “Хўжабарги” маҳалласида яшовчи Шоира Файзиева турмуш ўртоғи вафот этгач, битта ўғли билан оғир аҳволда қолди. Қайни укалари икки кунниng бирида кўчага ҳайдаб чиқаришар эди. Йиллар давомида маҳалла ходимларига мурожаат қилишига қарамасдан, ҳеч ким унинг арзини тинглamади. Атрофдагилардан кутилган нажотни топа олмаган Шоира боласи билан ҳовли чеккасидаги хароба кулбада яшай бошлади. Қишнинг совуғида газсиз, баҳорда томидан ёмғир ўтиб, минг машаққат билан кун кечирди.



Алимжон ЯНГИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Когон шаҳри бўлими бошлиғи.

Ниҳоят, 2023 йилда “Хўжабарги” маҳалласига янги раис сайланди. Кимё Ёдгорова ишни барча соҳани чуқур ўрганиб чиқишдан бошлади. Жумладан, камбағалликни қисқартириш дастурининг ижросига астойдил киришиб, барча ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар рўйхатини шакллантирди. Ҳар бир фуқаро билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар ўтказди. “Еттилик”нинг барча аъзоларини мавжуд муаммоларни ҳал этишга жалб қилди.

Раис Шоира Файзиеванинг шароити билан яқиндан танишгач, ҳақиқатан кўмакка эҳтиёжи борлигини тушуниб етди. Фуқаро яшаб келаётган харобани таъмирлаш имконсиз эди. Негаки, деворлари нураб, қулаш даражасига келиб қолганди. Шунда “маҳалла еттилиги” маслаҳатлашиб, бу ишга ҳомийларни жалб қилиш кераклигини тушунишди.

Юрт равнақи йулида қўлидан келганча ҳисса қўшиб келаётган тадбиркор Нодир Ҳамдамов яратилаётган барча шарт-шароитлардан мамнун ҳолда маҳалла аҳлининг муаммоларини ҳал қилишда фаоллик кўрсатиб келаётган эди. Яқинда у маҳалла раиси мурожаати бўйича моддий ва ижтимоий аҳволи оғир Шоира Файзиеванинг хонадонида бўлиб, фуқарога янги уй олиб беришга қарор қилди.

Куни кеча тадбиркор узоқ йиллар қийинчиликда кун кўраётган аёлга янги уй калитини топширди. Нафақат уй, балки зарур бўлган барча маиший техникалар — кир ювиш машинаси, музлаткич, телевизор, микротўлқинли печь, дазмол, идиш-товоқ, мебелларигача ўрнатиб берди. Шоира Файзиева кўзларига ёш олиб, ўз миннатдорчилигини қай тарзда билдиришга лол қолди. Бундан буён она-бола бахтиёр ҳаёт кечиришига ишончи комил эди.

Когон шаҳрида кўплаб осмонўпар бинолар, тураржой, маиший ва хизмат кўрсатиш, таълим ҳамда зиё масканлари қурилиб, аҳолига фойдаланиш учун топширилмоқда. Ушбу бунёдкорлик ишлари қаторида анча йиллардан буён эски, таъмирталаб бинодан фойдаланиб келаётган “Хўжабарги” маҳалла фуқаролар йиғини масъуллари замонавий, шинам, барча қулайликлар ва шарт-шароитларга эга бўлган маҳалла биносида иш бошлади.

Когон шаҳридаги маҳаллаларда шу каби намуна





қилиб кўрсатишга арзигулик хайрли ишлар жуда кўп. Барчаси халқнинг фаровон турмуш кечириши, уларнинг шароитини яхшилашга қаратилган.

Шаҳарда истиқомат қиладиган хонадонлар сони 15 минг 289 тани ташкил этиб, хатлов натижасида аниқланган ишсизлар 1 минг 696 нафардан иборат. Шу кунга қадар жами 1 минг 557 нафар (91,7 фоиз) фуқаронинг доимий бандлиги таъминланди. Шундан бўш ва янги иш ўринларига жойлаштириш 498 тани, жамоат ишларига жалб килиш 99 тани, имтиёзли кредит ажратиш 277 тани ташкил этган. Ҳунармандчилик ва касаначиликка 10 нафар шахс жалб килинди.

Шаҳардан хорижга кетган фуқаролар сони 2 минг 85 нафар бўлиб, шундан 1 минг 433 нафари эркаклар, 585 нафари аёллар, 67 нафари вояга етмаганлардир. Улар билан маҳалла ходимлари доимий равишда қўнғироқлашиб, иш ва яшаш шароитидан хабардор бўлиб туришибди. Юртимизда фаолият олиб бориши мумкин бўлган соҳалар ва имкониятлар билан таништириб борилмоқда.

Маҳалла халқ ишонадиган тизимга айланиши учун, аввало, уларни тинглаши керак. Қолаверса, берилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда қийналганларга ёрдам, ўз устида ишлаётганларга кўмак бериши зарур.

ТАҚДИРЛАР

ЙИҚИЛГАНДА СУЯНЧ БЎЛСАК...

Ҳозирда мамлакатимиз бўйлаб “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида эҳтиёжманд аҳоли қатламини оғир ижтимоий вазиятдан олиб чиқиш учун қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жондор тумани “Ромиш” маҳалласида яшовчи Лола Бўриеванинг ҳам турмуш тарзи худди шу дастур сабаб бугун бошқача тус олди.

Лола опанинг турмуш ўртоғи автомашина шиналарини тузатиш билан шуғулланган бўлиб, ундан айрилган вақтида кичкина ўғли беш ойлик гўдак эди. Рўзғорни эплаш, болаларни парваришлаш учун турмуш ўртоғининг ишини давом эттиришга киришди. Бироқ хонадонидаги кам қувватли электр энергияси бироз қийинчилик туғдирарди. "Маҳалла еттилиги" ҳамда ижтимоий ходим Лола опанинг уйига ташриф буюриб, унинг шарт-шароитини ўрганганидан сўнг, қаҳрамонимизга бир неча ижтимоий хизматлар кўрсатишди. Хонадонидаги электр энергияси қувватлантириб берилди. Ҳозирда бемалол автомашина шиналарини тузатиш билан шуғулланяпти.

Бундан ташқари, субсидия асосида қуриб берилган 1 сотихли иссиқхонага уч-тўрт хил кўкатлар экилган. Ёрдам сифатида олиб берилган чорва моли, соғин сигирининг сути, сариёғи, қаймоғини сотиб, қўшимча даромад топяпти. Паррандачиликдан ҳам тажрибаси анча ошди. Товуқлари сони кўпайиб, рўзғорига барака олиб киряпти.

Ҳозирда Лола опа ёлғиз оналар учун берилган имтиёзлардан мамнун ҳолда, меҳнат қиляпти. Унинг асосий орзуси — фарзандларини ўқитиб, ўзи каби эҳтиёжмандларга ёрдам берадиган инсон қилиб тарбиялаш.

Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

ЯНГИЛИК

ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ ҚАЙ ТАРТИБДА КЎРСАТИЛАДИ?

“Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Қонунга кўра, психологик ёрдам – танг (*кризисли*) вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга, шахслараро муносабатларни ҳамда руҳий саломатликни яхшилашга, шахсиятни ривожлантиришга ёки инсоннинг ижтимоий мослашувини яхшилаш учун психологик таъсир кўрсатишга қаратилган, психологик ёрдам кўрсатиш стандартларига мувофиқ амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

Психологик ёрдамни давлат органларида ёки бошқа ташкилотларда ишловчи психологлар ёхуд ушбу соҳада хусусий тартибда фаолият олиб борувчи юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар бепул ёки пуллик асосда кўрсатади.

Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида таълим олувчиларнинг психологик саломатлигини сақлаш, соғлом муҳит яратиш ва уларнинг шахсий ривожланишига кўмаклашиш мақсадида психологик ёрдам кўрсатиш ташкил этилади.

Шахс психологик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги тадқиқотларга ёки илмий тажрибаларга фақат ихтиёрий равишдаги ёзма розилиги ёки ўз қонуний вакилларининг ёзма розилиги олинганидан кейин жалб этилиши мумкинлиги белгиланди.

Психология йўналиши бўйича олий маълумотга эга бўлган шахслар психологик ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Шахснинг психологик ёрдам кўрсатилишини сўраб мурожаат қилганлиги факти, ёрдам натижалари тўғрисидаги маълумотлар ва уни кўрсатиш чоғида олинган бошқа маълумотлар психологнинг касбий сирини ташкил этади ҳамда шифокор сирига тенглаштирилади.

Шунингдек, психологик ёрдамни бундай ҳуқуққа эга бўлмаган шахс кўрсатиши ёхуд қонунчиликда белгиланган чекловларга риоя этмаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Қалбдан ҳис этмасангиз, интилишлар натижасиз қолаверади

Ҳаётда шундай лаҳзалар бўладики, инсон кўз ўнгида дунё фақат қора рангдан иборат бўлиб қолади. Яшаш учун умид қидириб тополмайди. Қийинчилик ва тушкунликдан чиқиб кетиш имконсиздек туюлади.

Суннат АБДУВОҲИДОВ, Тойлоқ туманидаги “Янги ҳаёт”, “Ўзбекистон” маҳаллалари ижтимоий ходими.

Бу кечинмаларни енгиб ўтиш осон эмас, албатта. Шундай лаҳзаларда ёрдамга муҳтож кишининг ёнида далда берадиган, мушкулларни енгиб ўтишда суянч бўладиган ишончли вакил бўлиши қанчалик яхши.

Бугун маҳаллаларда фаолият олиб бораётган ижтимоий ходим айнан шу мақсад сари ҳаракат қиляпти. Эҳтиёжманд, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган аҳоли вакилларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, ташвишларни енгиб ўтишида тиргак бўлаётир.

Оилаларни ўрганиш жараёнида боқувчисини йўқотган аёлга комплекс хизмат кўрсатилди. 7 ёшли имконияти чекланган фарзандига ногиронлик белгиланди. Шу билан бирга, махсус ихтисослаштирилган интернет мактабига жойлаштиришга кўмаклашдик. 4 ёшли ўғлининг ақлий ривожланишда нуқсони бўлгани боис унга ҳам ногиронлик тайинланди. Ҳар иккиси учун боқувчисини йўқотганлик ҳамда ногиронлик нафақаси берилмоқда. Умумий ҳисобда ойига 1 миллион 800 минг сўм атрофида кирими бор. Онага кўрсатилган психологик ёрдам сабаб, анча ўзига келди. Болаларининг келажаги учун ҳаракат қилиши кераклигини тушуниб етди. Ҳовлисида бўш турган 4 сотихли ерда иссиқхона қуриб, деҳқончилик қиляпти. Энг муҳими, вақтини самарали ўтказмоқда. Меҳнат қилиб, руҳи енгил тортаётганидан хурсанд.

Иккита маҳалламиз ҳудудида 161 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро истиқомат қилади. Ҳар куни уларнинг ҳолидан хабар олиб, эҳтиёжидан келиб чиқиб, керакли хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Хусусан, 11 нафар имконияти чекланган кишига протез-ортопедия мосламаси тақдим этилди. Шундан сўнг бу фуқароларнинг яшаш шароити анча ўзгарди. Барчаси берилган имкониятдан миннатдор.



157 та кам таъминланган оиланинг 11 нафар аъзосига “Саховат ва кўмак” жамғармасидан моддий ёрдам кўрсатилди. Эҳтимол, бу кичик ёрдам бўлиши мумкин. Лекин кимнингдир саломатлиги, яна бошқасининг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида берилаётган маблағ муҳтожларнинг қайсидир қийин вазиятдан чиқиб кетишига сабаб бўлаётир.

Халқимиз минг асрларки, ёши улуғларга ўзгача ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб келади. Уларнинг дуосини олиш — олий саодат. Шундай экан, ёлғиз яшаётган кексаларга ҳар жиҳатдан ёрдам бериш — зиммамиздаги энг шарафли бурч. Айни вақтда ҳудудимизда истиқомат қиладиган 3 нафар шундай тоифадаги нуронийга кексага ижтимоий ходим ассистенти бириктирилган бўлиб, ҳар жиҳатдан кўмак бериб келинмоқда.

Салима Ҳамроева турмуш ўртоғи вафот этгач, анча ёлғизланиб қолди. Фарзандлари йўқ, қаровчига муҳтожлигидан жиянининг оиласи билан бирга яшай бошлади. Лекин тақдирнинг синовини қарангки, у ҳам автоҳалокат туфайли дунёдан эрта кўз юмди. Ёши улуғ аёл келини ва икки набираси билан ёлғиз қолди. Эҳтиёжманд оила сифатида уларга уйини таъмирлаши учун “Саховат ва кўмак” жамғармасидан пул ажратилди. Боқувчисини йўқотганлик ва болалар нафақаси тайинланди. Кекса онахонга ёрдамлашиб туриши учун ижтимоий ходим ассистенти бириктирилди. У дори-дармон ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келишда кўмаклашяпти.

Ота-онаси хорижга ишлашга кетган 78 нафар болага яқин қариндошларини васий этиб тайинлаганмиз. Вояга етмаганларга яратиб берилган шароит, таълим-тарбияси доимий мониторинг қилиб борилмоқда. Қолаверса, уларнинг руҳий ҳолати, кечинмаларини эътибордан четда қолдирмаслик ниятида психологлар жалб қилинган.

Фуқаролар билан суҳбатда, ички кечинмаларини қалбдан ҳис қилишга ҳаракат қиламан. Нима сабабдан бундай ҳолатга тушиб қолганини аниқлашга уринаман. Кимга қандай ёрдам кўрсатилса, ҳолати яхшиланиши борасида аниқ режалар ишлаб чиқаман. Шу каби тажрибалар янада яхшироқ натижаларга эришишимизга замин яратмоқда.

Келажакда оилалар билан янада яқинроқ алоқа ўрнатишни ният қилганмиз. Одамлар бизни олдимизга эмас, биз уларнинг ёнига бориб, муаммоларига ечим топамиз. Имконияти чекланган кишиларни вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида кўпроқ параспортга жалб қилмоқчимиз. Ишлаш лаёқатига эга 12 нафар фуқаронинг бандлигини таъминламоқчимиз. Бир сўз билан айтганда, олдимизга қўйилган мақсадлар жуда катта. Уларни амалга ошириш учун туну кун тинмай меҳнат қиляпмиз.



Жорий йилнинг 5-10 ноябрь кунлари “Ҳумо арена” спорт мажмуасида Аралаш жанг санъатлари (ММА) бўйича ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ бўлиб ўтади.



Ўзбекистон бокс федерацияси WORLD BOXING аъзоси бўлди.



"ЖЧ-2026" саралаш босқичи доирасида Қатар ва КХДР терма жамоаларига қарши ўйнайдиган ФУТБОЛЧИЛАР РЎЙХАТИ эълон қилинди.

ЖАРАЁН

Иқтидорга имконият берсак, ижтимоий фаоллик ортади

Халқ – катта куч. Уни бир мушт қилиб бирлаштириш, юрт ривожи учун барча имкониятларидан унумли фойдаланишига шароит яратиб бериш ҳар бир раҳбарнинг олий мақсадига айланмоғи лозим. Айниқса, кам таъминланган, эҳтиёжманд тоифадаги оилалар билан кўпроқ мулоқот қилиш, ички иқтидорини юзага чиқариш жуда муҳим. Шу орқали аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишга эришамиз.



Ғуломиддин ШАМСИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Олмазор тумани бўлими бошлиғи.

Бугун туманда олиб борилаётган ислоҳотлар айнан шу вазифани адо этиш сари йўналтирилган. Ҳудудимиздаги 64 та маҳалла фуқаролар йиғинида 400 минг 100 нафар аҳоли, 64 минг 982 та хонадон мавжуд. Шундан 3 минг 41 та оила камбағаллик рўйхатига киритилган. Улар орасидан энг оғир аҳволдаги 500 таси танлаб олиниб, шаҳар, туман ташкилоти раҳбарлари ва тадбиркорлар масъул этиб бириктирилди. Ўрганишлар натижасида ечилиши керак бўлган муаммолар 1 минг 25 тани ташкил қилиши маълум бўлди. Ҳозирги кунда 919 турдаги ёрдамлар тўлиқ кўрсатилди. Шунингдек, аҳоли даромадини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали камбағалликдан чиқариш бўйича янги ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда.

Ислом ота номидаги маҳаллада яшовчи эҳтиёжманд аёл Гавҳар Ғуломова уйда ўтириб даромад топиши учун ҳомийлар хамир қориш ускунаси ва дастлабки фаолиятига керак бўладиган маҳсулотлар олиб беришди. Айни вақтда фуқаро ярим тайёр маҳсулотлар сотувини йўлга қўйган.

Халқнинг фаровон турмуш кечиришида бандлик масаласи катта аҳамият касб этади. Шу маънода 61 нафар фуқаронинг доимий ишга эга бўлишига эришдик. Касб-ҳунар ўрганишда амалий ёрдам сўраган 10 нафар аҳолининг ўқиши учун йўлланма берилди.

“Шон-шуҳрат” маҳалласида яшовчи камбағал оила Ҳожиниса Илҳомованинг уй-жойини таъмирлаш мақсадида 10 миллион сўмлик қурилиш ашёлари харид қилиниб, хонадонининг ички қисми таъмирлаб берилди.

“Хончорбоғ” маҳалласида яшовчи яна бир эҳтиёжманд аёл Ҳусния Норматовага уй-жойини таъмирлаш учун 15 миллион сўмлик қурилиш маҳсулотлари тақдим этилди. Ҳаётда анча қийинчилик кўрган бу фуқаро кўрсатилган кўмакдан жуда хурсанд бўлди.

Шу каби яшаш шароитини яхшилашга муҳтож бўлган 35 та хонадондан ҳозирда 12 тасида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Аҳоли



олиб борилаётган бу тадбир ва қўллаб-қувватлашдан ниҳоятда миннатдор. Айниқса, совуқ кунлар яқинлашаётгани сабабли, уйларнинг том қисми янгиланаётгани айни муддао бўлмоқда. Шунингдек, моддий ёрдам сўраган 576 та оиланинг 572 тасига турли хилдаги кўмаклар кўрсатилди.

Кишининг ишида унум ва барака бўлиши, кайфиятининг аъло даражада экани, аввало, унинг соғлиги билан боғлиқ. “Маҳалла еттилиги” ходимлари хонадонларни айланиши натижасида 230 нафар фуқарога тиббий ёрдам кераклигини аниқлашди ҳамда барчасига зарурий ёрдамлар берилди.

Агар оилаларида тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурса, фарзандлар муносиб тарбия кўради. Маҳалла ажралиш ва



жиноячиликдан холи ҳудудга айланади. Қолаверса, ёшлар ўртасида миллий урф-одат ва қадриятларни тарғиб қилишнинг аҳамияти бўлакча. Бу мақсадларга эришишда нуронийларнинг йўл-йўриқ ва маслаҳатлари жуда муҳим. Шу маънода тумандаги маҳаллалар ҳамда қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳудудларда ташкил этилаётган маданий-маърифий тадбирларга ўзгалар парваришига муҳтож бўлган якка-ёлғиз ва ёлғиз яшовчи кексалар, ногирон бўлган нуронийлар доимий равишда жалб қилиб келинмоқда. Хусусан, ҳозирги кунга қадар туманда ўтказилган жами 85 та маданий-маърифий тадбирга 41 нафар якка-ёлғиз ва ёлғиз яшовчи кексалар, ногиронлиги бўлган нуронийлар таклиф этилди.

Туманда истиқомат қилувчи 96 нафар ўзгалар парваришига муҳтож шахслар доимий назоратга олинган. Йил давомида 86 нафари амбулатор ҳамда 8 нафари Республика миқёсидаги шифохонада соғломлаштирилди. Барча фуқаролар кафолатланган тарзда бепул доир-дармон билан таъминлаб келинмоқда.

Миллий ва диний қадриятларни тарғиб қилиш ҳамда ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни ёт ғоялардан асраш юзасидан туманда жорий йилда 141 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбир, давра суҳбати ташкил этилди. Унда қатнашган минглаб аҳоли вакиллари ва ёшлар ўзини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олди.

Узоқ йиллар биргаликда умр кечириб, қўша қариган кексаларнинг ибратли ҳаётини ёш авлодга тарғиб этиш мақсадида "Қўша қариш саодати", “Маҳалланинг пиру бадавлати” каби тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Маҳалла ходимлари иш жараёнида қанчалик фаол бўлса, бу аҳолининг интилишлари ва ҳаракатларида шубҳасиз, ўз аксини топади. Ҳар бир тадбир ва амалий ишлар эртанги ютуқларимизга замин яратади.

МАНЗАРА

Аёл – она, уй бекаси, ишбилармон тадбиркор

Ичан қалъага таъриф буюрсангиз, нафақат ундаги меъморий обидаларнинг жозибасидан, балки Хоразмнинг ўзига хос бўлган урф-одат, анъана ва миллий ҳунармандчилик намуналаридан ҳам баҳраманд бўласиз. Ҳунармандлар бор маҳоратини намойиш этиб, ишлов берган буюмлар диққатингизни тортмай қолмайди. Улар орасида хотин-қизларнинг ҳам муносиб ўрни борлиги янада қувонарли.

Ғулшода ИБРОҲИМОВА, журналист.



Анжела Давлетова узоқ йиллардан буён миллий либослар дизайни билан шуғулланади. У яратаётган кийимлар замонавийлиги ва бетакрорлиги, ўзбек миллий маданиятини ўзида акс эттиргани билан аҳамиятли. Шу боис ҳунармандниг доимий харидорлари жуда кўп. 2022 йилда Анжела 120 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига янги ва замонавий тикув дастгоҳлари харид қилиб, иш фаолиятини янада кенгайтиришга муваффақ бўлди.

— *Тадбиркорлар оиласига келин бўлганман,* ***— дейди Анжела Давлетова.*** *— Қайнотам, қайнонам, турмуш ўртоғим ва бошқа оиламиз аъзолари хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб боришади. Мен ҳам ўзим қизиққан дизайнерлик йўналишида ишламоқчилигимни билдирганимда, улар мени қўллаб-қувватлади. Тикув цехи ташкил қилишда уч маротаба имтиёзли кредит олиб, ўз фаолиятимни кенгайтирдим. Бугунги кунда биз яратаётган дизайнлар маҳаллий ҳамда хорижий сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳозирги кунда устоз-шогирд анъаналари асосида иш олиб боряпмиз. Цехимизда 20 нафар ишчи бор. Уларнинг барчаси истеъдод ва иқтидор эгаси.*

Анжела Давлетованинг “Tilla décor fashion school” бренди остида яратаётган либослар қатор танлов ва фестивалларда намойиш этиб келинмоқда. Яқиндагина Хива шаҳрида ўтказилган “1000 та ҳунарманд фестивали ва либосларда миллий ҳамда анъанавий қадриятлар уйғунлиги” шиори остидаги миллий модалар намойишида иштирок этиб, фахрли ўринни эгаллади.

Хоразм вилоятида Анжела каби ҳунармандчилик ортидан обрў-эътибор қозонаётган, яхшигина даромадга эга бўлаётган хотин-қизлар кўплаб топилади.

“Калтаминор” маҳалласи, Шоҳимардон кўчасида мўъжазгина бир ҳовли бор. Бу ерда ҳунармандчиликнинг энг қадимий турларидан бири бўлган кулолчилик билан шуғулланаётган Дилноза Отажонова фаолиятига гувоҳ бўлиш мумкин. У яратаётган кулолчилик намуналари бугунги кунда Хива шаҳридаги ҳунармандчилик расталаридан ўрин эгаллаган. У айни пайтда Хива шаҳар тадбиркор аёллар уюшмаси раҳбари сифатида ҳам фаолият олиб бормоқда. “Аёллар дафтари”даги ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касаначиликка жалб этишда тадбиркорнинг ҳиссаси катта.

— *100 нафардан ортиқ шогирдим бор,* ***— дейди Дилноза Отажонова биз билан суҳбатда.*** *— Фаолиятимни 2007 йилда бошлаганман. Кулолчилик менга қайнота касб. Ўз фаолиятимни самарали давом эттиришим учун биринчи марта 33 миллион сўм миқдорида, иккинчи маротаба 100 миллион сўм миқдорида кредит олиб, лой қорийдиган ускуна ва печлар харид қилдим. Маҳсулотларимизнинг асосий харидорлари хорижий сайёҳлардир. Қўл меҳнати билан яратилаётган намуналар уларни доим ҳайратлантиради. Мақсадларим кўп, режаларим ҳам. Ўзим каби кулол аёллар сафи кенгайса, дейман. Бунинг учун доимий равишда маҳорат дарслари ўтказиб тураман. Шу билан бирга, хотин-қизларимизга кулолчилик сирларини ўргатиш учун алоҳида ўқув курслари ташкил қилганман.*

Кейинги йилларда юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ-манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, касб-ҳунарга ўргатиш, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Аслида, аёл нафақат оила равнақи ҳамда фарзандлар тарбияси билан машғул она ва уй бекаси бўлиши, балки жамият ҳаётида ҳам ўз ўрнига эга инсон сифатида турли соҳаларда юксак муваффақиятларга эришиши мумкин. Зеро, бугун бунинг учун барча шароитлар талаб даражасида яратиб берилган.

ЯНГИЛИК

ЗУЛФИЯ МУКОФОТИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Ҳукумат қарори билан Зулфия номидаги Давлат мукофотига талабгорларни танлаш ва уларнинг ҳужжатларини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.



Унга кўра, Зулфия номидаги Давлат мукофоти талабгорларини танлаш, уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби ҳамда йўналишлар бўйича талабгорларнинг ютуқлари, илмий-ижодий ва амалий ишларини баҳолаш мезонлари белгиланди.

Талабгорлар 8 та йўналиш — фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва жамоатчилик фаолияти бўйича танловлар орқали сараланади.

Мукофот ижтимоий фаоллиги ва истеъдоди билан тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётган 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган иқтидорли хотин-қизларга ўқиш ва меҳнат фаолиятидаги ютуқлари учун берилади.

Йўналишлар бўйича ҳар бир ўринга муносиб талабгорларни танлаш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- туман (*шаҳар*) босқичи — 2 сентябрдан 20 октябрга қадар;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи — 21 октябрдан 30 ноябрга қадар;
- республика босқичи — 1 декабрдан 31 декабрга қадар ўтказилади.

Мукофот ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 2 нафардан вакилларига — жами 28 нафар талабгорга берилади.

Совриндорларга мукофотланганлик ҳақидаги диплом, кўкрак нишони ҳамда БҲМнинг 50 баравари миқдоридаги пул мукофоти ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида тантанали равишда топширилади.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
6 280 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1120

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.